

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>Қ.Бозоров</b>	
Андижоннинг сугорилиш тарихига доир муроҳазалар .....	81
<b>У.Усаров</b>	
ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
<b>Б.Шодмонов</b>	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари .....	90

---

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Акбаров</b>	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
<b>Г.Қосимова</b>	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли .....	102
<b>Б.Абдураҳмонова</b>	
Оғаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш .....	105
<b>В.Қаюмов, Б.Деҳқонов</b>	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
<b>О.Солиева</b>	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм) .....	114

---

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова</b>	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник моделли гапларнинг ўрни .....	119
<b>З.Алимова</b>	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

---

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>М.Ахмедова</b>	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида қасбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари .....	128
<b>М.Шокирова, Н.Абдуллаева</b>	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
<b>У.Хайдарова</b>	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти .....	136

---

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Г.Тиллабаева</b>	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала .....	140
<b>В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова</b>	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида .....	143
<b>Х.Майдинов</b>	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши .....	147
<b>Б.Усманов, Ш.Умурзакова</b>	
Буғдор навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари .....	150
<b>Ф.Юлдашев, Д.Обидова</b>	
Ёшлиар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари .....	153
<b>А.Мамаджанов</b>	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси .....	156
<b>М.Шамсиева</b>	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида .....	159

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АСОСИЙ МЕЗОН СИФАТИДА

### SOCIAL PROTECTION AS THE MAIN CRITERION IN DETERMINING THE INDEX OF HUMANITY DEVELOPMENT

#### СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА КАК ОСНОВНОЙ КРИТЕРИЙ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИНДЕКСА РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

М.Шамсиева

##### Аннотация

Мақолада ижтимоий ҳимоя тамоиллари инсон тараққиёт индексини белгиловчи асосий мезон эканлиги, БМТ нинг инсон тараққиёт индексига кўра дунё давлатларининг ўрни, инсон тараққиёти мезонлари асосида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий исплоҳотлар ёритилган.

##### Annotation

Статье освещены принципы социальной защиты, являющихся основным критерием, определяющим индекс развития человечества, рейтинг мировых государств по индексу развития человечества ООН, социальные реформы, проводимые в Узбекистане на основе критерииев развития человека.

##### Annotation

*This article reveals the principles of the social protection as the main criteria, defining the index of the humanity development, world states' according to the UNO humanity development index, socil reforms in Uzbekistan on the bases of the humanity development criteria.*

**Таянч сўз ва иборалар:** ижтимоий ҳимоя, БМТ, инсон тараққиёти индекси, кўрсаткич даражаси, дунё давлатлари, Ўзбекистон, исплоҳот, Ҳаракатлар стратегияси.

**Ключевые слова и выражения:** социальная защита, ООН, индекс человеческого развития, показательный уровень, страны мира, Узбекистан, реформа, Стратегия действий.

**Keywords and expressions:** social protection, UNO, humanity development index, model index, world countries, Uzbekistan, reform, Strategy of actions.

Ижтимоий ҳимоя кенг маънода - мамлакат ахолисининг ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуми; тор маънода - давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмаганини туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлигини билдиради. Унинг асосий мақсади ахоли фаровонлигининг тўхтовсиз яхшиланишини таъминлаш, ахоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатдан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносаб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

“Ижтимоий ҳимоя” тушунчаси биринчи марта 1935 йилда АҚШ нинг “Ижтимоий хавфсизлик бўйича қонун”ида қўлланилган, кейинчалик Ҳалқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида бу тушунча мазмуни мукаммаллаштирилган [1].

Ривожланган демократик жамиятда ижтимоий ҳимоя вазифаларини бажаришни давлат ўз зиммасига олади. Дунё мамлакатларида ижтимоий ҳимоя тизими мамлакатнинг иқтисодий даражаси, демократик тараққиёт ва унинг ахоли манфаатига мувофиқлиги, ижтимоий сиёsat даражаси, ижтимоий таъминот тизими каби омилларга ҳолда амал қиласди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан дунё мамлакатларининг ижтимоий ҳимоя тизимига холисона баҳо беришни мақсад қилган ҳолда ахолининг узоқ ва соғлом яшашлари, таълим олиш ва фаровон ҳаёт кечиришларини аниқлаш учун маҳсус ривожланиш дастури-Инсон фаровонлиги ва ривожланиш индекси (Human development index) қабул қилинган. Ушбу дастурнинг дунё мамлакатлари томонидан ижро этилиши устидан мониторинг олиб бориш йўлга кўйилиб, мониторинг натижалари ҳар йили чоп этилиб, аъзо мамлакатларга тарқатилади. Ҳозирда инсон тараққиёти индексини аниқлашда асосан қуйидаги уч мезон муҳим аҳамият касб этмоқда:

М.Шамсиева – ФарДУ ўқитувчisi.

– ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қисми (АҚШ долларида);

– таълим, мамлакат аҳолисининг саводхонлик даражаси;

– ўртача умр кўриш даражаси, кутилаётган умр кўриш давомийлиги.

Айтиш жоизки, 2010 йилгача бу кўрсаткичлар кенг кўлланилди, бир қатор жаҳон ташкилотлари томонидан ўрганиб келинди. 2010 йилга келиб, Инсон фаровонлиги ва ривожланиш индексининг бир қатор камчиликлари, жумладан, ички табақалашув, гендер тенгсизлик инобатга олинмаганлиги сабабли, у юқоридаги кўрсаткичлар билан тўлдирилди [2].

БМТ раҳбарлигига ер куррасида инсониятнинг фаравон ҳаётга эришиши йўлида 2000 йилда дунё мамлакатлари томонидан Минг йиллик Ривожланиш Мақсадлари, 2015 йилда Барқарор Ривожланиш Мақсадларида белгилаб берилган вазифалар жумладан, ўта қашшоқлик ва очликка барҳам бериш, сифатли таълим, гендер тенглик, соғлиқ ва фаровонлик, муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш, тенгсизликни камайтириш кабиларга эришиш йўлида амалга оширилаётган ишлар инсон фаровонлиги ва ривожланиш индекси тамойилларини рўёбга чиқарилишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда инсон фаровонлиги ва ривожланиш индексига кўра, дунё мамлакатлари энг юқори, юқори, ўрта ва паст кўрсаткич даражаларга бўлинади. Ижтимоий ҳимоя тизимининг кўпгина муаммолари ҳал этилган Норвегия, Швейцария, Дания, Нидерландия, Германия, АҚШ, Канада, Янги Зеландия мамлакатлари инсон тараққиёти индекси рейтингида энг юқори ўринда бўлиб, ижтимоий ҳимоя тизими борасидаги тажрибаларидан фойдаланиш аҳамиятлиdir.

Инсон тараққиётининг ўсиш кўрсаткичлари паст бўлган давлатлар асосан Африка қитъасида жойлашган бўлиб, қитъа аҳолисининг 50 фоизи қашшоқликда яшамоқда. Этник низолар, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни аҳоли ўсишига нисбатан орқада қолиши, озиқ-овқат ва ичимлик суви муаммолари мавжудлиги қитъа аҳолиси ҳалқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдамига муҳтоҷ эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон инсон фаровонлиги ва ривожланиш индексида кўрсаткич даражаси ўрта бўлган мамлакатлар қаторидан жой олган. Бироқ, шуни айтиб ўтиш керакки,

Ўзбекистон мустақилликкача инсон тараққиёти индекси рўйхатига киритилмаган. Мустақилликка эришгач, чорак асрга яқин мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида 0,675 кўрсаткич билан ўртача даражани эгаллаб, дунё мамлакатлари орасида 64 ўринда эканлиги [3,39] ижтимоий соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга амалга оширилиши зарур бўлган қатор вазифалар турганлигини билдиради.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқ фаровонлигини кафолатлаган ва кучли ижтимоий ҳимояни шиор қилиб олган омил сифатида дунёга танилиб бормоқда. Мамлакат давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий-маданий соҳага: таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилади [4].

Инсон фаровонлиги ва ривожланиш индексининг ўзига хос муҳим кўрсаткичлари – аҳолининг соғломлиги ва узок умр кўриши, билим олиш имкониятларининг мавжудлиги, жаҳон андозаларига мос келиши ва муносиб ҳаёт кечириш даражасининг юқорилиги, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва миллий даромад барпо этишнинг жаҳон амалиётига хослиги борасида Ўзбекистоннинг қўлга киритаётган қатор ютуқларини дунёҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Жумладан, Ўзбекистонда кейинги ўн йил ичida ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаган суръатларда ўсаётганлиги, ўртача умр кўриш ёши 67 ёшдан 73,5 ёшга узайганлиги, таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган давлат харажатларидаги улуши 35 фоиздан зиёдлиги, АҚШ нинг Колумбия универсиети социологлари томонидан ўтказилган ижтимоий сўров ва тадқиқотлар натижасига кўра, "Бутунжаон баҳт индекси" ("World Happiness Index") рейтингида Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-погонани, Мустақил давлатлар Ҳамдустлигига аъзо мамлакатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилганлиги [5,10-12]. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат инсон фаровонлигига эришишга қаратилганлигидан дарак беради.

Айтиш мумкинки, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳам инсон фаровонлиги ва ривожланиш индекси мезонларини ўзида тўлақонли мужассам этиб, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

Хусусан, инсон фаровонлиги ва ривожланиш индексида белгилаб қўйилган билим олиш имкониятини кенгайтириш, мамлакат аҳолисининг саводхонлик даражасини ошириш бўйича 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди. Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, худудлардаги филиаллар сони 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди.

Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириш даражаси ва реал даромадини ошириш борасида 2017 йилда янги саноат корхоналари қуриш, хизмат кўрсатиш обьектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди [6,5-6].

Инсон фаровонлиги ва тараққиёти индексининг муҳим мезонларидан бири гендер тенгликка эришиш бўлиб, аёллар яшаши учун энг хавфсиз ва қулай давлатлар рейтингни (Women, Peace and Security Index (WPS Index) га кўра, 167 мамлакат ичida Марказий Осиё давлатларидан Қозогистон 43-ўрин, Туркманистон 60-ўрин, Қирғизистон 80-ўрин,

Ўзбекистон 89-ўрин, Тожикистон - 96 ўринни эгаллаган [7].

Ўзбекистон БМТ нинг хотин-қизларга доир қатор халқаро Конвенцияларни, жумладан, “SEDAW” Конвенциясини Марказий Осиё давлатлари ичida биринчилардан бўлиб ратификация қилишга эришиб, Конвенцияни амалиётга татбиқ этилиши юзасидан “SEDAW” Конвенцияси қўмитасига ўз ҳисоботини тақдим этиб бормоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, “Хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги” Асосий Қонунда белгилаб қўйилган бўлиб, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги Қонун (02.09.2019), “Хотин-қизларнинг меҳнат хуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорнинг (07.03.2019) қабул қилиниши [8] мамлакатимизни гендер тенгликка эришган, хотин-қизлар учун хавфсиз ва яшаш учун қулай бўлган мамлакатлар қаторидан жой олиши учун ташланган яна бир муҳим қадамлардан бири бўлди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, чорак аср мобайнида Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ижтимоий ҳимоя ҳар доим давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиётнинг марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг нутқларида “Барча саъй-ҳаракатларимиз замирида халқимизни рози қилиш мақсади мужассам” эканлигини таъкидланиши юқоридаги фикримизни исботлайди.

### Адабиётлар:

1. Ijtimoiy himoya // uz.m.wikipedia.org.
2. http // hdr.undp.org.
3. Хасанхонова Н.И. Инсон фаровонлиги ва ривожланиш индекси, унинг жамиятдаги ўрни // Иқтисод ва молия. –2013 йил,11-сон.
4. Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси.14.04.2018.//uz/uz./society/harakatlar-strategi.
5. Каримов.И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатdir. – Т.:”Ўзбекистон”.НМИУ, 2015.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр.
7. Women, Peace, and Security Index // giwps.georgetown.edu.
8. lex.uz.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)

УДК: 631+33+338

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ФАРГОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОННИНИГ ЎРНИ  
(XX АСРНИНГ 50-70 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**МЕСТО ФЕРГАНСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЙОНА В НАРОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ  
УЗБЕКИСТАНА  
(НА ПРИМЕРЕ 50-70-Х ГОДОВ XX ВЕКА)**

**THE PLACE OF FERGHANA ECONOMIC REGION IN NATIONAL ECONOMY OF  
UZBEKISTAN  
(ON THE EXAMPLE OF 50-70SS OF THE XX CENTURY)**

**Г.Юсупова**

**Аннотация**

Мақолада Иккинчи жаҳон урушидан сўнг сабиқ иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий жиҳатдан бир-бiri билан боғлаб кўйилган шароитида, Ўзбекистон халқ хўжалигида Фаргона минтақасининг ўрни ёритилган. Шунингдек, Фаргона водийсининг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрни, унинг қишлоқ хўжалиги, енгил саноати, табиий бойликлари, хусусан, пахтачилиги ва пиллачилиги каби тармоқлари фаолияти тадқиқ қилинган. Фаргона иқтисодий районининг тузилиши ва унинг мамлакат халқ хўжалигидаги ўрни илмий адабиётлар ва архив маълумотлари асосида ўрганилган.

**Annotation**

В статье раскрывается место Ферганского региона в народном хозяйстве Узбекистана в условиях экономической зависимости бывших союзных республик в период после Второй мировой войны. Исследовано место Ферганской долины в экономической жизни страны, деятельность сельского хозяйства, легкой промышленности, в частности, таких отраслей, как хлопководство, шелководство, а также значение природных богатств региона. На основе научной литературы и архивных данных изучена структура Ферганского экономического района и его место в народном хозяйстве страны.

**Annotation**

The article presents the information on the place of Ferghana region in the national economy of Uzbekistan in the conditions of economic dependence of the former soviet republics after the II World War. The role of Ferghana region in the economic life of the country, agriculture, industry, in particular, cotton growing, silkworm breeding, along with the importance of the natural resources of the region. The structure of Ferghana economic region have been analyzed on the bases of the scientific literature and archival data.

**Таянч сўз ва иборалар:** иқтисодий район, ҳудуд, қишлоқ хўжалиги, саноат, корхона, завод, табиий бойликлар.

**Ключевые слова и выражения:** экономический район, территория, сельское хозяйство, промышленность, предприятие, завод, природные богатства.

**Keywords and expressions:** economic region, territory, agriculture, industry, enterprise, plant, natural resources.

Совет ҳокимияти иккинчи жаҳон уруши тугаши билан халқ хўжалигидаги бошқарув сиёсатини янада мустаҳкамлашга интилган. Мамлакат халқ хўжалиги ўрнатилган тартибга кўра, иқтисодий районларга бўлинib, сиёсий-маъмурий жиҳатдан бир-бiri билан боғланган ҳолда бошқарган. СССР ҳудудидаги ҳар бир иқтисодий район умумиттифоқ меҳнат тақсимотида, умумдавлат хўжалигига ўзининг ихтисослашган вазифасини бажарган. Мамлакат халқ хўжалигининг муайян ҳудудий қисми «иқтисодий район» деб аталган. Ушбу минтақа мамлакатнинг бошқа ҳудудларга нисбатан ўзининг

ихтисослаштирилган ишлаб чиқариши билан фарқ қилган. Ҳар бир «иқтисодий район» мамлакат халқ хўжалигига ўз хиссасини қўшиб борган.

Дастлаб иттифоқхудуди 13 та, кейинроқ, 1960 йилдан 16 та иқтисодий районга бўлинди. Шунингдек, 1961 йилда кўпгина ерларнинг ўзлаштирилиши, саноат корхоналарининг қурилиши натижасида, мамлакатда иқтисодий районлар сони 17 тага айланди. Ушбу кўрсаткич 1963 йилда 18 тага етказилди.

Иқтисодий районларнинг 10 таси РСФСРда, 3 таси Украинада ташкил этилган эди. Ҳамда Белоруссия ва Қозогистонда 1 дан иқтисодий район барпо

Г.Юсупова – ЎзМУ мустақил изланувчиси.